

БУХОРО ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ АХМАТ ИБРОГИМОВИЧ

ҚОРИН ОЛД ДЕВОРИ ОПЕРАЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ
ЧУРРАЛАРИНИ КОМПОЗИТ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ
ПРОТЕЗЛАШНИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ- КЛИНИК БАҲОЛАШ

14.00.27 –Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ахмедов Ахмат Иброгимович

Қорин олд девори операциясидан кейинги чурраларини композит материаллардан фойдаланиб протезлашни экспериментал-клиник баҳолаш.....3

Ахмедов Ахмат Иброгимович

Экспериментально-клиническая оценка результатов использования композитных материалов для пластики послеоперационных грыж передней брюшной стенки.....22

Akhmedov Akhmat Ibrogimovich

Experimental – clinical results evaluation of using composite materials for prosthesis of postoperative abdominal wall hernia.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.44

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ АХМАТ ИБРОГИМОВИЧ

**ҚОРИН ОЛД ДЕВОРИ ОПЕРАЦИЯСИДАН КЕЙИНГИ
ЧУРРАЛАРИНИ КОМПОЗИТ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ
ПРОТЕЗЛАШНИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ - КЛИНИК БАҲОЛАШ**

14.00.27 –Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib512 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталининг (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Турсуметов Абдусаттар Абдумаликович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар	Садыков Рустам Аброрович тиббиёт фанлари доктори, профессор Хамдамов Бахтиёр Зарифович тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот	Абу Алибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «7» *Август* куни соат *14⁰⁰* даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50, e-mail: bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (*044* рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А. Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» *Сентябр* куни тарқатилди.
(2021 йил *16 Сентябрь* даги *17* рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signatures in blue ink]

А.Ш. Ипоятов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам аҳоли орасида қорин олди девори чурраларини тарқалиш даражаси 2-4 % га яқин, лапаротомиядан кейин ривожланадиган чурралар частотаси 4-10% ни ташкил этади¹. Узоқ вақт давомида чурраларни организмнинг ўз тўқималаридан фойдаланган ҳолда герниопластика операциялари кенг тарқалган. Лекин бу усулга рецидивлар частотасининг юқори эканлиги хосдир – 15-40%. Бу соҳада олиб борилаётган фундаментал изланишлар натижалари ҳозирги вақтда кенг тарқалган полипропилендан тайёрланган эндопротезлар ўта мустаҳкам эканлигини кўрсатмоқда ва бу уларнинг массасига бевосита боғлиқдир. Кўп турдаги протезлардан организмда ёки имплантация соҳасида инфекция мавжуд бўлганда фойдаланиб бўлмайди. Протезлаш учун аниқ клиник вазиятни ҳисобга олиб, материали юқори даражада мутаносибларини излаш жуда долзарбдир.

Жаҳон миқёсида олиб борилаётган тадқиқотлар кўрсатиши бўйича замонавий хирургияда моддий-техник таъминот туфайли эндопротезлар турини танлаш аниқ клиник вазиятга боғлиқ: операция усули ва беморнинг анатомик хусуиятлари, апоневроз усти пластикасида қўлланиладиган протезларни қорин ичидаги турида ишлатиш мумкин эмас. Операциядан кейинги даврнинг кўп учрайдиган асорати ярадан узоқ вақт сероз суюқлик ажралиши ва натижада чегараланган ҳосила серома шаклланади. Бу каби асоратлар стандарт 15x15 см ли эндопротездан фойдаланилганда 75% беморларда кузатилади. Нисбатан енгил бўлган эндопротезлардан фойдаланиш экссудация давомийлигини қисқартириш имконини берган. Бугунги кунда барча талабларга жавоб бера оладиган “идеал” протез яратиш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан, турли хирургик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»² каби вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашни янги босқичга кўтариш, айниқса, комплекс ташхислаш ва даволашга янгича ёндошувларни

¹ Деговцов Е.Н., Колядко П.В., Колядко В.П. Результаты хирургического лечения больных с большими и сложными послеоперационными грыжами передней брюшной стенки в условиях многопрофильного стационара // Бюллетень сибирской медицины. - Омск. -2018. 17 [3]. – С. 35–44.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

ишлаб чиқиш, сифатли хирургик ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда МДХ мамлакатлари ва узоқ хорижда қорин олд девори чурраларини жарроҳлик йўли билан даволаш муаммосига, шунингдек операциядан кейинги йирингли-яллиғланиш яра асоратларининг олдини олишга бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Bobkiewicz A. et al. 2019).

Сероманинг ҳаддан ташқари кўпайиши сабаблари, яъни жарроҳлик пайтида тўқималар шикастланишининг хусусиятлари ҳамда тўр материалининг хусусиятларидан иборат. Аммо шуни таъкидлаш керакки, энг замонавий жарроҳлик техникаси билан ҳам серома ҳосил бўлиши, айниқса тери ости тўқимасидаги тўр onlay ҳолатида ўрнатилганда ва тўқима электрокоагуляцияси туфайли маҳаллий яллиғланиш жараёни фаоллашганда содир бўлади (Donatelli G. et al. 2014).

Операция вақтидаги самарали гемо- ва лимфостази таъминлаш ҳамда бир вақтни ўзида операциядан кейинги инфекцион асоратлар ҳавфини камайтириш клиник жарроҳликнинг долзарб муаммосидир (Limaylla-Vega H. et al. 2017). Полипропилен материаллари имплантациясига яллиғланиш реакциясини камайтириш усуллари ишлаб чиқиш давом этмоқда, бу эса герниопластика учун хос бўлган бир қатор асоратларнинг олдини олишга имкон беради. Сўнгги тадқиқотлар маҳаллий гемостатик тиббий воситалари истиқболли эканлигини кўрсатади: тахокомб, гемоблок, биологик елим ва бошқалар (Boldin B.V. et al, 2018).

Жахон амалиётида ҳозирги даврда иммун фаоллиги бўлмаган, биологик тўқималарга мос ва организмга салбий таъсир этмай биопарчаланиш хусусияти бўлган идеал биоматериаллар яратиш нисбатан долзарб тадқиқотлар қаторида қолмоқда. «Гемогубка» целлюлоза ҳосилаларидан поликомпозитли янги гемостатик имплант бўлиб, юқори

гемостатик фаолликка эга (Содиқов Р.А. ва ҳаммуал., 2018). Қон билан алоқа қилганда, препаратнинг кукунли шакли гелга ўхшаш шаклга айланади ва яра юзасини плёнка шаклида қоплайди. Гемостаз 1-2 дақиқада содир бўлади, «Гемогубка»нинг сўрилиш резорбция даври қисқароқ - 14 кун ва таъсирловчи самарага эга эмас ва ифодаланган яллиғланиш реакциясини келтириб чиқармайди. Гемогубка юқори ёпишқоқ хусусиятга эга, бу гемостазга эришиш учун муҳимдир. Бундан ташқари, Полипропилен тўрни Гемогубка кукуни билан қоплаш тўр тешикларини ёпиш эвазига бу бўшлиқларга бактериялар имплантациясини олдини олишга имкон беради.

Ўзбекистонда операциядан кейинги қорин девори чурраларни хирургик даволашда (Охунов А.О. ва ҳаммуал., 2020) қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган, лекин операция вақтида гемо- ва лимфостаз мақсадларида бу воситадан фойдаланилмаган. Қорин олд деворининг чурраларини жарроҳлик даволашни оптималлаштириш, самарадорлигини ошириш ва операциядан кейинги йирингли-яллиғланишли яра асоратларининг олдини олиш чораларини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар зарур (Бебуришвили А.Г ва ҳаммуал., 2014).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Қорин олд деворининг чурраси бўлган беморларни диагностикаси ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий режаси доирасида бажарилган (2018-2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: қорин олд девори операциясидан кейинги чурраларини композит материаллардан фойдаланиб протезлашни экспериментал - клиник баҳолаш.

Тадқиқотнинг вазифалари кўйидагилардан иборат:

тажрибада янги маҳаллий биологик биопарчаланувчи композит материал «Гемогубка»дан фойдаланиб, on lay позицияда чуррани бартараф қилиш вақтида тўқима реакциясини камайтириш учун полипропилен тўрга қайта ишлов бериш усулини ишлаб чиқиш;

операциядан кейинги вентрал чурраларда юмшоқ тўқималарнинг бактериал ифлосланиш даражаси, спектри ва сабабини баҳолаш ҳамда in vitro экспериментида яра бактериялари йиринглаши предикторларига нисбатан мирамистин ва янги композит материал «Гемогубка»нинг микроорганизмларга қарши хусусиятларини баҳолаш;

тажрибада on lay позициясида стерил шароитда ва маҳаллий даволашсиз инфекцияланиш шароитида, шунингдек, мирамистин антисептиги билан комбинацияда композит материал «Гемогубка»дан фойдаланиб қопланган полипропилен имплантатнинг мослашиш хусусиятларини баҳолаш;

операциядан кейинги вентрал чурра билан хасталаган беморларда композит материал «Гемогубка» ва мирамистин ёрдамида

аллогерниопластиканинг серомаси ва йирингли-яллиғланишли яра асоратларининг олдини олиш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида клиник қисмда клиникада гемогубкадан фойдаланиб операция қилинган, қорин олд девори операциясидан кейинги чурралари билан хасталанган 171 нафар бемор ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида экспериментда вентрал чурра моделида коллаген гемогубкани қўллаш натижалари тахлили, шунингдек чурраларни аллогерниопластикасида гемогубкадан фойдаланиш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилган: умумий клиник, инструментал, лаборатор, микробиологик, гистоморфологик, экспериментал, махсус ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

полипропилен тўрларнинг тажрибада биринчи марта *in vitro* шароитида, шунингдек, биологик парчаланадиган целлюлоза маҳсулоти «Гемогубка» билан қопланганда, биологик мос хусусиятларга эгаллиги қиёсий жиҳатдан ва динамикада исботланган;

вентрал чурралар операциясидан кейинги йирингли-яллиғланиш яра асоратлари ривожланишининг асосий индикатори бактериялар эканлиги ўрганилган;

маҳаллий гемостатик препарат «Гемогубка» аллогерниопластиканинг серома ҳосил бўлиши ва йирингли-яллиғланишли яра асоратларининг олдини олишда экспериментда ва клиникада биринчи марта янги маҳаллий препарат целлюлоза ҳосиласи коллаген гемогубкадан фойдаланилган;

антибиотик мирамицин билан қопланган енгил полипропилен тўрнинг операциядан кейинги яралар йиринглашида индикатор бактерияларга нисбатан бактериоцид хусусиятлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтқазилган тадқиқот натижаларига кўра аниқландики, енгил полипропилен тўр имплантациядан кейинги яқин соатларда экссудацияга олиб келувчи кучли яллиғланиш реакцияси чақиради, айниқса полипропилендан тайёрланган композит имплантат ва «Гемогубка» тўрдаги тешиқлар ва ёриқлардаги ўлик бўшлиқларни тўлдириш имконини берган;

қорин олди девори тўқималарига зичроқ ёпишишини таъминлайди, имплантациядан кейинги яқин 14 кун ичида минимал яллиғланиш реакциясига эришиш ва операциядан кейинги жароҳат асоратларини камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги: натижаларнинг ишончилиги амалиётда кенг қўлланиладиган замонавий клиник, лаборатория ва инструментал тадқиқот усулларидан фойдаланиш, шунингдек, тадқиқотлар сони ва ҳажми, шунингдек даволанган беморларнинг етарлича сони билан тасдиқланган. Ишда қўлланилган усуллар

операция усулини танлаш, операциядан кейинги асоратларнинг олдини олиш бўйича оптималлаштирилган ёндашувларни объектив баҳолашга имкон берди. Олинган барча натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига асосланади. Статистик қайта ишлаш натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жihatдан тўғрилиги, эксперимент ҳажми, беморлар сонининг етарли эканлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқоро ғамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тажрибада тўқималарнинг полипропилен тўрға реакциясини ўзига хос хусусиятлари ва бу жараёнларни Гемогубкадан фойдаланиб бошқариш имкониятлари аниқланган. Полипропилен тўрни гемогубка билан қоплаш тўқималарни аллотрансплантга реакциясини камайтириши кўрсатилган. Гемогубка таркибига мирамистин аралаштириб ишлатиш эса хатто ифлосланган шароитда ҳам аллогерниопластика қилиш ҳамда яралар асоратлари ҳавфини камайтиришга имкон берган.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган аллогерниопластикада серомалар ҳосил бўлиши ва операциядан кейинги яра асоратларини олдини олиш усули амалиётга тадбиқ қилинган. Гемогубкадан фойдаланиб, ифлосланган шароитларда ҳам аллогерниопластикадан кейин операциядан кейинга яралар асоратларини олдини олиш усули яратилган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Қорин олд девори операциясидан кейинги чурраларни композит гемогубка материаллардан фойдаланиб пластика қилиш бўйича олинган натижаларга асосланиб:

қорин олд девори операциядан кейинги чурралари йирингли асоратларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш орқали касалликни даволаш тактикасини танлаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

«Қорин олд девори операциядан кейинги чурраларни аллогерниопластикасидан кейинги серомани ва операциядан кейинги яранинг йирингли-яллиғланиш асоратларини олдини олиш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 мартдаги 8н-д/115-сон маълумотномаси).

Қорин олд девори операциядан кейинги чурраларини протезлашда гемогубка ҳамда мирамистин билан комбинацияда ишлов берилган полипропилен тўрлардан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган «Инфекция билан зарарланган жароҳатларда аллогенопластика ёрдамида жароҳат асоратларни олдини олиш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 8н-д/115-сон

маълумотномаси). Тавсиялар инфекцияланган шароитда ҳам аллогерниопластикани қўллаш имконини берган;

Қорин олд девори амалиётдан кейинги чурраларни полипропилен тўрнинг биологик мослигини ошириш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган янги маҳаллий гемостатик коллаген гемогубкадан фойдаланиб, жароҳат асоратларини олдини олишнинг маҳаллий усулини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳридаги «Happy Life» хусусий шифохонасининг клиник амалиётига, ногиронларни реабилитация қилиш Республика маркази клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 июлдаги 08–09/7962-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши қорин олд девори амалиётдан кейинги чурралари билан хастланган беморлар хирургик даволашининг бевосита натижалари яхшиланишига, беморларнинг шифохонада бўлиш ўртача давомийлиги қисқаришига ва беморларнинг эрта ижтимоий-меҳнат реабилитациясига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, клиник тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Операциядан кейинги қорин бўшлиғи чурраларини жарроҳлик йўли билан даволашнинг замонавий муаммолари**» деб операциядан кейинги қорин чурралари бўйича илмий маълумотларни батафсил таҳлил қилиш, умумлаштириш ва тизимлаштириш амалга оширилган. Ушбу муаммога бағишланган яқин ва узоқ хорижий мамлакатларнинг ва маҳаллий адабиётлар ўрганилиб, жарроҳлик йўли билан

даволашнинг ҳозирги ҳолати ва операциядан кейинги йирингли-яллиғланишли яра асоратлари тузилиши кўриб чиқилган, кейинги ечимларни талаб қиладиган долзарб масалалар ишлаб чиқилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Материаллар ва тадқиқот усуллари**» экспериментал ва клиник материалнинг умумий тавсифи ва ишлатилган тадқиқот усуллари берилган. Стандарт виварий шароитида сақланадиган, ҳар хил жинсдаги оқ наслсиз каламушлар билан экспериментал тадқиқотлар ўтказилган. Иш экспериментал ва фойдаланишда умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича Европа конвенциясида белгиланган («Лаборатория ҳайвонларига инсоний муносабатда бўлиш қоидалари», «Тиббий-биологик экспериментнинг деонтологияси») ва этик тамойилларга тўлиқ мос равишда амалга оширилган. Тажрибанинг биринчи қисмида полипропилен (ПП) тўрга (гемогубкасиз назорат гуруҳи) ва стерил шароитда коллаген «Гемогубка» препарати билан қопланган ПП тўрга (асосий гуруҳ) тўқима реакцияси ўрганилган, тажрибанинг иккинчи қисмида ПП тўр парда инфекцияланиш шароитида мирамистин антисептиги ва «Гемогубка» аралашмаси билан қопланган, иккинчи назорат гуруҳида эса ПП тўр фақат «Гемогубка» билан қопланган. Onlay, яъни апоневроз усти пластикасини моделлаштириш учун ишлатиладиган экспериментлар 4 гуруҳга бўлинган: 1) ПП эндопротезидан ($n = 30$) фойдаланилган; ПП эндопротези «Гемогубка» билан қопланган ($n = 30$); ПП эндопротези «Гемогубка» билан қопланган ($n = 30$). Ушбу гуруҳда экспериментлар инфекция билан зарарланган шароитида ўтказилган; ПП эндопротези «Гемогубка» ни мирамистин билан аралашмаси билан қопланган ($n = 30$). Бу гуруҳда экспериментлар инфекцияланиш шароитида ўтказилган.

Морфологик текширувлар тажрибадан, яъни аллогерниопластикадан кейин 3, 7, 14, 21 ва 30-кунларда ўтказилган. Тажрибада аллогерниопластик соҳасида яраларни инфекциялаш ярага 2 млрд. бактериялар аралашмасини киритиш орқали чақирилган.

Клиник тадқиқотлар 2010-2020 йилларда ТошПТИ клиникасида 3 гуруҳ беморларида ўтказилган. Беморларнинг назорат гуруҳи ($n=67$) (назорат) қорин олд деворининг операциядан кейинги чурралари бўйича операция қилинган. Енгил полипропилен тўр ишлатилган (Есфил енгил, сирт зичлиги - 38 г/м^2 , моно диаметри - 0,09 мм, қалинлиги 0,3-0,4 мм, тешик ўлчами - 1,5 мм, ўлчамдаги ғоваклилик 85-90%) уни «Onlay» ҳолатида қорин олд деворига қотириш билан. Тўрлар сўрилмайдиган полипропилен монофиламент билан апоневрозга тикилган.

Биринчи асосий гуруҳи ($n=61$) ҳам “onlay” ҳолатида целлюлоза ҳосилалари бўлган биодеградацияланувчи композит материал гемогубка билан қопланган полипропилен тўрдан фойдаланган ҳолда операция қилинди. (Енгил эсфил, солиштирма оғирлиги 38 г/м^2 , тешиклар ўлчами – 1,5 мм, монофиламент тўр, монофиламент диаметри – 0,09 мм).

Бирламчи инфекцияланган тўқималарда аллогерниопластика (Енчил эсфил, солиштира оғирлиги $38\text{г}/\text{м}^2$, тешиклар ўлчами – 1,5 мм, монофиламент тўр) бажарилган беморларнинг иккинчи асосий гуруҳида ($n=43$) инфекциянинг манбаи илгари бажарилган операциядан кейин пайдо бўлган яллиғланишли инфилтратлар ва лигатур оқмалар ҳисобланади. Ушбу гуруҳда, чурра тешикларини тиклаш пайтида, полипропилен тўр, қотирилгандан сўнг, кенг спектрли антибиотик Мирамистин билан биргаликда гемогубка билан ишлов берилган.

Амалга оширилган операцияларнинг хусусияти, чурралар нуқсонининг жойлашиши ва катталиги, ёши, жинси ва бошқа кўрсаткичлари бўйича ўрганилган гуруҳлар бир хил бўлган.

Ишда клиник, клиник-лаборатор, инструментал, морфологик, микробиологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган. Олинган маълумотлар статистик равишда Microsoft Excel дастури ёрдамида Pentium IV шахсий компьютерида ишланган. Бундан ташқари, анъанавий вариацион параметрик ва параметрик бўлмаган статистика усулларидан фойдаланилган. Олинган натижаларнинг ишончлилигини аниқлаш учун биз t-Стъюдент коэффициентидан фойдаландик. Тафовутлар ўрганилган хусусият учун 5% дан кўп бўлмаган ($p<0,05$) частотага тўғри келганда аҳамиятли ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Экспериментал тадқиқотлар натижалари**» полипропилен тўрнинг биомутаносиблигини тўғрилашда унинг алоҳида ва янги маҳаллий композит имплантант коллаген «Гемогубка» билан қоплаган ҳолдаги чурра onlay усулида пластикасидаги экспериментал тадқиқотлар натижалари тақдим этилган. Бу бобда onlay усулида аллогерниопластика пайтида тўқималарнинг яллиғланиш реакциясини камайтириш учун полипропилен имплантатларни гемостатик композит полимер ГемоГП билан ишлов бериш имкониятларини тажрибада асослаш вазифаси қўйилган. Ҳайвонларнинг назорат гуруҳида аллопластика полипропилен тўрни олдиндан ишлов берилмаган ҳолда амалга оширилган, асосий гуруҳда эса полипропилен тўрга аллопластикадан олдин гемогубка билан ишлов берилган.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда операциядан сўнг гемогубка билан қопланган ПП тўр камроқ яллиғланиш реакциясини берди ва қопланмаган эндопротезганисбатан унинг юзасида юпқа бириктирувчи тўқимали капсула ҳосил бўлган. Назорат гуруҳида ПП тўр иплари атрофида яллиғланиш белгиларига эга бўлган дағал толали бириктирувчи тўқимали капсула ҳосил бўлган. Тўр имплантациясини қўллагандан кейин 21-30 кун ичида яллиғланиш аломатлари, ёт жисмулкан ҳужайралари мавжудлиги, кўпол фиброзли, тўқима белгили янги ҳосил бўлган бириктирувчи тўқима сақланиб қолади ва улар ёт жисм - эндопротезни капсула шаклида ўраган бўлади.

Иккинчи бўлимда коллаген ГемГП препаратидан фойдаланиб инфекцияланган шароитда onlay усулида аллогерниопластиканинг хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқотимизнинг ушбу босқичининг мақсади

инфекцияланган шароитда эндопротезлаш қўлланилишини экспериментал ўрганиш, шунингдек, яра йиринглашини имплантацион олдини олиш ва инфекция фонида имплантни кўчиб тушишини олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш эди. Экспериментал текширувларимизда амалиётдан кейинги чурра билан хасталанган беморларда яширин инфекция мавжудлиги, чурра қопи соҳасида оқма яраларнинг мавжудлигида микрофлора характери ва аллогерниопластика операциясидан кейинги йиринглаш ҳолатида бактериялар пейзажи, қисилган чурраларда чурра сувини ўрганиш кўзда тутилган. Тадқиқотимизда операциядан кейинги яралар йиринглашида йиринглаш индикаторлари бўлиб: *Staphylococcus aureus* (27,2%), *Staphylococcus epidermidis* (5,4%), *Escherichia coli* (45,4%) ва кам миқдорда бактерияларнинг бошқа гуруҳи (*Klebsiella pneumonia*) бўлган, 7,3% ҳолатда эса ўсиш бўлмаган. “Яширин” чандиқли ва лигатур инфекцияларга нисбатан препаратларнинг антибактериал фаоллиги ҳақидаги маълумотлар асосида парентерал қўллаш учун 3-авлод цефалоспорин гуруҳининг яримсинтетик антиотибиоти – Мирамистин олинган. Микробиологик текширув натижалари 1-расмда кўрсатилган.

Кейинги босқичда *Escherichia coli* билан шунга ўхшаш микробиологик текширувлар ўтказилган.

Стандарт муҳитда *Escherichia coli* нинг фаол ўсиши кузатилади. 2 Б расмда ПП тўр+Мирамистин+ГемГ комбинацияси миромистиннинг бактерицид хусусиятини камайтирмаслиги, аксинча бактериялар ўсишининг яққол камайиши кузатилганлиги кўрсатилган. ПП тўр мирамистиннинг бактерицид хусусиятини камайтирмайди, ПП тўр алоҳида бактерицид хусусиятга эга эмаслиги кўрсатилган.



1-расм. *Staphylococcus aureus* стандарт муҳитда ўсиши (А) ва ПП тўр+мирамистин комбинациясининг *Staphylococcus aureus* (Б) ўсишига таъсири.

Шундай қилиб, аллогерниопластикадан сўнг операциядан кейинги йирингли-яллиғланишли яра асоратлари ривожланишининг асосий сабаблари *Staphylococcus aureus* ва *Escherichia coli* эканлигини эксперимент кўрсатган.

Экспериментларнинг иккинчи сериясида (иккинчи гуруҳ) on lay ҳолатида «Гемогубка» билан ишлов берилган мирамистин комбинациясида инфекцияланган ярага (30та каламуш) ПП тўр имплантацияси амалга оширилган. Тадқиқотнинг ушбу босқичида экспериментал ҳайвонлар операцион жароҳатига уни инфекциялаш мақсадида *Staphylococcus aureus* ва *Escherichia coli* нинг 2 млрд микроб танасини ўз ичига олган 1 мл микроб суспензияси аралашмаси киритилган.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, «Гемогубка» билан ишлов берилган тўрли полипропилен протез onlay усулида имплантацияси тажриба шароитида мирамистинсиз аниқ инфекцияланган тўқималарда барча ҳолатларда яраинг йиринглашига, бир қатор ҳолатларда имплантатнинг кўчиб тушишига олиб келган. Шуни таъкидлаш керакки, инфекция шароитида «Гемогубка» билан антисептик мирамистин биргаликда ишлов берилган тўрли полипропилен протез on lay ҳолатида имплантацияси 7-14 кунларда йирингли яллиғланиш жараёни йўқотишини ва имплантацияни бирикишини таъминлаган.

Шундай қилиб, ўтказилган экспериментал тадқиқотлар коллаген «Гемогубка» препаратини клиник қўллаш имкониятини исботлайди ва апоневроз усти аллогерниопластиканинг имплантат билан боғлиқ яра асоратларини камайтириш, имплантатнинг қорин олд девори тўқималарига бирикиш жараёнини оптималлаштириш учун тавсия этишга имкон беради.


Диссертациянинг тўртинчи бобида «Стерил ва инфекция шароитида коллаген гемогубкадан фойдаланган ҳолда операциядан кейинги вентрал чурра аллогерниопластикасида операциядан кейинги яра асоратларини камайтиришга инновацион ёндашув» операциядан кейинги вентрал чурраларда йирингли-яллиғланишли яра асоратларининг олдини олиш учун янги маҳаллий препарат коллаген «Гемогубка» ҳамда унинг антисептик мирамистин билан комбинацияда қўллаш натижалари тақдим этилган.

Тадқиқотнинг клиник қисмида беморлар 3 гуруҳга бўлинган. Беморларнинг назорат гуруҳи (n = 67) «onlay» усулида полипропилен тўрдан (Енгил Эсфил, солиштирма оғирлиги – 38г/м², тешиқлар ўлчами – 1,5 мм, монофиламент тўр) фойдаланган ҳолда операция қилинди. Беморларнинг биринчи асосий гуруҳи (n = 61) ҳам «on lay» ҳолатида целлюлоза ҳосилалари бўлган биодеграцияланувчи композит материал Гемогубка билан қопланган полипропилен тўрдан (Енгил Эсфил, солиштирма оғирлиги – 38г/м², тешиқлар ўлчами – 1,5 мм, монофиламент тўр) фойдаланган ҳолда операция қилинди. Беморларнинг иккинчи асосий гуруҳида (n = 43) аллогерниопластика (Енгил Эсфил, солиштирма оғирлиги 38 г/м², тешиқлар ўлчами -1,5 мм, монофиламент тўр) бирламчи инфекцияланган тўқималарида бажарилиб, уларда инфекция манбаи илгари ўтказилган операциядан кейин пайдо бўлган лигатур оқмалар ва яллиғланишли инфилтратлар ҳисобланади. Ушбу гуруҳда, чурра дарвозаси пластикаси пайтида, полипропилен тўр фиксациядан сўнг, гемогубка билан кенг спектрли таъсирга эга антибиотик мирамистин комбинацияда ишлов берилди. Амалга оширилган

операцияларнинг моҳияти бўйича, чурралар дарвозасининг жойлашиши ва катталиги, ёши, жинси ва бошқа кўрсаткичлари бўйича ўрганилган гуруҳлар бир хил бўлган.


Лаборатор текширувларга умумий клиник тадқиқотлар билан бир қаторда дренажлардан ажралган ажралманинг хужайра таркибини баҳолашни, бактериологик тадқиқотларни ўз ичига олган.

Қорин девори чурраларининг локализацияси, чурраси дарвозасининг ўлчами ва бирламчи операциядан кейин қайталаниш частотасига кўра ажратиладиган J.P.Chevrel ва A.M.Rath (1999) таснифидан фойдаланилган (2, 3-расм).



2-расм. Чурра нуқсонининг жойлашиши бўйича J.P.Chevrel ва A.M.Rath таснифига кўра таққослаш гуруҳларида беморларни тақсимланиши.

3-расмда беморларни чурра нуқсони катталигига қараб икки асосий гуруҳдаги ва таққослаш гуруҳидаги тақсимланиши кўрсатилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳ асосан W2 ва W3 чурраси нуқсонлари бўлган беморлардан иборат бўлган.




3-расм. Қорин девори чурра нуқсони ўлчамларига кўра таснифи натижалари (J.P.Chevrel ва A.M.Rath бўйича)

Таққослаш гуруҳидаги беморларда, III тўрни on lau усулида қўллагандан сўнг, барчасида сероз-геморрагик экссудатнинг оқиши, айниқса, катта чурраларнипластикасида кузатилган. Ушбу гуруҳидаги 22 (32,8%) беморларда дренаждан кунига 30-40 мл дан ортиқ ҳажмда экссудат ажралиши давом этганлиги сабабли дренаж 4 кундан ортиқ вақт сақланди. Асосий I гуруҳида беморларнинг 20 (32,8%) да дренаж трубкаси операциядан кейинги биринчи кунда, иккинчи кун 13 (21,3%), 3 кунда 4 кишида (6,6%) дренаж олиб ташланган. Асосий II гуруҳида дренаж трубкаси 1-кунда 7 (16,3%), 2-кунда 13 (30,2%) беморда, 3-кунда 10 (23,3%) беморда олиб ташланган. I ва II асосий гуруҳларда яраларни дренажлашнинг ўртача давомийлиги мос равишда $1,57 \pm 0,11$ ва $2,10 \pm 0,14$ кунни, таққослаш гуруҳида эса $4,12 \pm 0,29$ кунни ташкил этган. Шунини таъкидлаш керакки, I асосий гуруҳидаги 24 беморда ва II асосий гуруҳидаги 13 беморда операциядан кейинги жароҳат дренажланмаган ва дренаждан бош тортиш билан боғлиқ асоратлар кузатилмаган (4-расм).

Операцион яра экссудати шаклланишининг динамикасини ўрганаётганда, асосий гуруҳидаги беморларда назорат гуруҳи билан таққослаганда, бу кўрсаткич статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p = 0,007$) ва сезиларли даражада камлигини, айниқса, 2-4-кунларда аниқланган. Таққослаш гуруҳида беморларда экссудатнинг максимал қийматлари $131,3 \pm 8,7$ мл ни, I асосий гуруҳида ва II асосий гуруҳида мос равишда $56,1 \pm 6,8$ ва $53,1 \pm 6,8$ мл ни ташкил этган. Шунини таъкидлаш керакки, асосий гуруҳидаги яра жараёнида экссудатнинг энг юқори ажралиб чиқиши операциядан 2 кун ўтгач содир бўлади ва кейинчалик пасайиш тенденциясига эга, назорат

гурухидаги беморларда эса экссудат миқдори энг юқорига кўтарилгани 2-4 кунларга тўғри келган.



4-расм. Беморларнинг таққосланган гуруҳларида ярани дренажлаш вақти бўйича тақсимланиши

Изоҳ: * Назорат гуруҳи кўрсаткичлари билан қиёсланганда ишончли (*-P<0,05; **-P<0,01; ***-P<0,001). &- I асосий гуруҳда 24 нафар ва II асосий гуруҳда 13 нафар беморда операциядан кейинги жароҳат дренажланмаган.


Асосий гуруҳда эрта даврларида экссудациянинг геморрагик компоненти сероз-геморрагик ва сероз билан алмашилади, бу эса пластика соҳасидаги кўпроқ интенсив репаратив жараёнларни кўрсатилган. Ўрганишни объективлаштириш ва имплантация соҳаси дренажланиши адекватлигини назорат қилиш учун беморлар 2-5-кунларда қорин олд девори имплантация соҳаси ультратовуш текширувидан ўтказилган.

I асосий гуруҳда дренажлаш давомийлиги минимал бўлган, яъни $1,78 \pm 0,46$, иккинчи асосий гуруҳда эса $2,14 \pm 0,18$ кун. II асосий гуруҳдаги нисбатан узоқроқ дренаж сақланганлигини операциялар инфекция шароитида бажарилганлиги билан боғлиқ. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, бир қатор ҳолларда дренаж найчалари 3-куни, 1 беморда эса 4-куни дренаж олинган. Дренажни олиб ташлашнинг мезонлари экссудация ҳажмининг 30 мл дан пасайиши ва операция зонасининг назорат-динамик ультратовуш текшируви натижалари эди. I асосий гуруҳда 24 ва II асосий гуруҳда 13 беморда операциядан кейинги яра дренажланмаган, яъни асосий гуруҳдаги 37 нафар беморларда кейинчалик тажриба ортирилгач, протез майдонидан қатъи назар, дренажлашдан бош тортилган.

Аллогерниопластиканинг яра асоратларини олдини олиш чоралари, асоратлар сабабларини бартараф этишга қаратилган эди: 1) пухта гемо- ва лимфостаз; 2) серома ҳосил бўлишининг олдини олиш; 3) чурра дарвозаси пластика соҳасидаги ўлик соҳаларини тўлиқ олиб ташлаш (апоневроз ва мушаклар, тўр орасидаги); 4) гемогубка ёрдамида енгил тўрнинг тешиклари

ёпилишига эришиш, чунки, бактериялар тешикларга кириб боради, унинг диаметри 0,6-1,5 микронни ташкил қилади ва маҳаллий иммунитет учун жавобгар бўлган ҳужайралар операция зонасида биринчи соат ва кунлар бўлмайди; 5) Гемогубка ва кенг спектрли антибиотик аралашмаси билан ишлов бериш жарроҳлик яраси соҳасидаги ва имплантацион инфекция билан инфекцияга қарши курашишга қаратилган, чунки мирамистиннинг антибактериал хусусиятлари гемогубканинг тўлиқ сўрилишига қадар сақланиб қолган.

Икки асосий гуруҳда ва таққослаш гуруҳида операциядан кейинги яра асоратларичастотаси ва характери 5-расмда келтирилган.



5-расм. Вентрал чурра операциясидан кейин беморларда операциядан кейинги яра асоратларининг частотаси ва хусусиятлари

Изоҳ: * - назорат гуруҳининг кўрсаткичлари билан таққослаганда ишончли (* - $P < 0.05$; ** - $P < 0.01$)

5-расмдан келиб чиқадики, таққослаш гуруҳида протезли герниопластиканинг асоратлари 24 та (35,8%) ҳолатда кузатилган бўлиб, уларнинг энг юқори частотаси узоқ муддатли сероманинг чиқиши (14,9%) бўлган. Икки ҳолатда катта ва икки гигант кўп камерали операциядан кейинги чурраси бўлган II ва III даражали семириш (ТВИ 25-40 кг / м) билан оғриган 4 нафар беморда тўр имплантацияси соҳасида гематома ҳосил бўлишини кузатилган. Улар маълум даражада операция техникаси ва муқаррар травмаси билан, эҳтимол гемостаз учун электрокоагуляцияни қўллаш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Барча ҳолатларда гематомалар жарроҳлик жароҳати орқали дренажланган. Яранинг йиринглаши 4 (6%) ҳолатда кузатилган, бунда 2 нафар бемор ортиқча вазнга эга ва 2 нафари қандли диабет билан оғриган бўлган. Яралар йирингли яраларни даволашнинг умумий тамойиллари асосида даволаниб, қониқарли натижага

эришилди. 3 (4,47%) беморда операциядан кейинги жароҳат инфилтрати кузатилган. Бу асорат бир томондан, организмнинг ёт жисмга бўлган табиий реакцияси, операциянинг шикастланиш хусусияти, шунингдек, катта худудда гемостаз мақсадида электрокоагуляциядан фойдаланиш билан боғлиқ. Ортикча вазнга ва инсулинга боғлиқ диабетга чалинган 2 (3%) беморда операцион яранинг тери қирралари некрози кузатилди, бу эса кейинчалик тери қоплами дефектини қониқарли натижа билан пластик ёпилишини талаб қилган. 1 (1,5%) нафар беморда жароҳатнинг пастки қисмида тери ости тўқималарига қўйилган ипдан лигатур оқма шаклланиши қайд этилди. Лигатура олиб ташланди, яра каналини антисептик билан санация қилинди ва бемор амбулатор даволанишга чиқарилди. 10 (14,9%) нафарда ҳосил бўлган серома ультратовуш текшируви назорати остида санацион пункцияни талаб қилди. Жароҳатнинг йиринглаши ҳолатларини кузатмадик ҳамда тўр имплантантни олиб ташлаш бирор ҳолатда зарур бўлмади. Кузатилган беморларда ўлим кузатилмаган.

Асосий гуруҳдаги беморларда яра асоратлари частотаси ва характери қуйидагича келтирилган: I ва II гуруҳларда мос равишда серома кузатилди, ҳар бир гуруҳдаги 3 беморда - 4,9% ва 7% ва назорат гуруҳида – 14,9%. Шундай қилиб, аллогерниопластикада йирингли яллиғланиш яра асоратларининг асосий асоратларидан бири бўлган серома назорат гуруҳида асосий гуруҳ кўрсаткичларидан 2,5 баравар ортик. I асосий гуруҳда гематома гемогубкани қўллашнинг дастлабки босқичларидаги беморларда кузатилган, яъни бу асорат техник хатолар билан боғлиқ эди ва яна ахамиятли бўлган омил беморлар семизликнинг II ва III даражасидан азият чекканлар.

Шундай қилиб, маҳаллий «Гемогубка» препарати гемо- ва лимфостазнинг самарали воситаси бўлиб, юқори ёпишқоқ хусусиятларга эга ва ишончли гемостазни таъминлайди. Операциядан кейинги чурралар аллогерниопластикасида гемостаз мақсадида электрокоагуляциядан фойдаланишни кескин чеклаш керак. Катта вентрал чурра герниопластикасида маҳаллий гемостатик «Гемогубка» препаратидан фойдаланиш серомалар, гематомаларнинг олдини олиш, яралардан ажралма ажралишини ва йирингли асоратларни камайтиришда самарали дори воситаси ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуаси операциядан кейинги асоратларни камайтиришга ва беморларнинг шифохонада ётиш муддатини камайтиришга имкон берган, I асосий гуруҳда шифохонада ётиш муддати - $5,9 \pm 1,74$ кун, II асосий гуруҳда - $6,1 \pm 2,12$ кун ва назорат гуруҳида - $11,3 \pm 3,47$ кун.

Узоқ муддатли натижалар, барча гуруҳларда, 1 йилдан 4 йилгача ўрганилган. I гуруҳда бирор бир ҳолатда ҳам касалликнинг қайталаниши қайд этилмаган, II гуруҳда 1 (2,9%) беморда, кузатувнинг биринчи йилида касаллик қайталаниши қайд этилган ва шу туфайли бемор қайта операция қилинган, қорин деворини қониқарли натижа билан репротезлаш бажарилган. Назорат гуруҳида чурранинг қайталаниши 3 беморда

кузатилган, уларнинг ҳаммасида семириш мавжудлиги, операциядан кейинги жароҳатларнинг йиринглаши, шу жумладан 1 беморда ПП тўрни кўчиб тушиши кузатилган.

Шундай қилиб, «Гемогубка» коллагенли композицион материал билан қопланган полипропилен тўр, одатдаги полипропилен тўрдан фаркли ўларок, имплантатга нисбатан тўқима реакциясининг пасайишига, операциядан кейинги даврда серома ҳосил бўлишининг частотаси ва ҳажмининг пасайишига, шундан келиб чиқиб аллогерниопластиканинг ярадаги йирингли-яллиғланиш асоратларининг пасайишига имкон берган. Ифлосланган тўқималарда аллогерниопластика пайтида йирингли асоратларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган технология даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини яхшилашни таъминлади, бу экспериментал ва клиник маълумотлар билан тасдиқланди. Коллаген «Гемогубка» жароҳатда операциядан кейинги йирингли-яллиғланишли асоратларнинг олдини олиш ва камайтириш учун энг мақбул восита бўлиб, имплантатни ишончли тарзда ҳимоясини таъминлайди ва унинг бирикиб кетишига ҳисса қўшган.

ХУЛОСАЛАР

«Қорин олд девори операциясидан кейинги чурраларни композит материаллардан фойдаланиб протезлашни экспериментал-клиник баҳолаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Полипропилен тўр ёт жисм сифатида атрофдаги тўқималарнинг сиқилишини келтириб чиқаради, тўқима тузилмаларининг локал гистотопографиясини бузади. «Гемогубка» билан қопланган полипропилен эндопротезидан фойдаланганда атрофдаги тўқималарда яллиғланиш реакцияси минимал бўлади, асосан маҳаллий бириктирувчи тўқима ҳужайраларининг пролифератив фаоллиги ва моноцитларнинг қондан кўчиши устун бўлиб, жараён охирида тўрға маҳкам ёпишган ҳолдаги толали нозик бириктирувчи тўқима шаклланади.

2. Амалиёт пайтида олиб ташланган эски лигатура, олинган грануломалар ва апоневрознинг чандиқли ўзгарган қирралари бўлақларини бактериологик текшириш натижасида жарроҳлик операциясидан кейинги йиринглаш ҳолатида қуйидаги инфекциялар яра йиринглаши сабаблари эканлиги аниқланди: *Staphylococcus aureus* (27,2%), *Staphylococcus epidermidis* (5,4%), *Escherichia coli* (45,4%) ва оз миқдордаги бошқа бактериялар гуруҳи (*Klebsiella pneumonia*) ва 7,3% ҳолларда ўсиш кузатилмаган.

3. Ўтказилган морфологик тадқиқотлар тажрибада шуни кўрсатдики, полипропилен тўрли имплантатга коллаген «Гемогубка» билан ишлов бериш инфекцияланиш шароитида қорин олд девори тўқимасида on lay ҳолатида уларнинг имплантациясида локал яллиғланиш реакциясининг камайишига,

бу эса операциядан кейинги даврда маҳаллий яра асоратларининг камайишига имкон беради. Гемогубкани мирамистин билан комбинацияда ишлатилганда Гемогубка таркибида препаратнинг микробга қарши таъсири 5-7 кун давомида сақланади. Гемогубка биодеградация жараёни операция соҳасида тўқималарга мирамистиннинг бир хил ажралишини таъминлайди.

4. Маҳаллий ишлаб чиқарилган янги гемостатик восита «Гемогубка» коллаген етарлича самарали маҳаллий гемостатик хисобланади, он Iau усулидаги аллогерниопластика пайтида, имплантни ёпишқоқлик қобилиятини инобатга олган ҳолда гемогубкадан фойдаланиш, тез гемостазни таъминлайди, лимфореяни, экссудация ва шишнисезиларли камайтиради, бу эса операциядан кейинги яралар йиринглашининг асосий сабабчиси бўлган омиллар пайдо бўлиш хавфини камайтиради.

5. Стерил шароитда ва инфекцияланган тўқималарда аллогерниопластикада йирингли асоратларнинг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган гемогубкани мирамистин билан комбинацияда қўллаш усули даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижалари яхшиланишини таъминлайди, бу экспериментал тадқиқот маълумотлари ва клиник қўллаш натижалари билан исботланди. Ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуи беморларнинг шифохонада бўлиш муддатини I асосий гуруҳда $5,9 \pm 1,74$ кунга, II асосий гуруҳда $6,1 \pm 2,12$ кунгача қисқартиришга имкон яратди, назорат гуруҳида эса шифохонада бўлиш муддати - $11,3 \pm 3,47$ кунни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

АХМЕДОВ АХМАТ ИБРОГИМОВИЧ

**ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНО-КЛИНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА РЕЗУЛЬТАТОВ
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОМПОЗИТНЫХ МАТЕРИАЛОВ ДЛЯ
ПЛАСТИКИ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ ГРЫЖ ПЕРЕДНЕЙ
БРЮШНОЙ СТЕНКИ**

14.00.27 -Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара– 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.1.PhD/Tib512

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме))
размещена веб-странице Научного совета (www.bsmi.uz) и Информационно-образовательном
портале (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель	Турсуметов Абдусаттар Абдумаликович доктор медицинских наук
Официальные оппоненты	Садыков Рустам Аброрович доктор медицинских наук, профессор Хамдамов Бахтиёр Зарифович доктор медицинских наук
Ведущая организация	Таджикский государственный медицинский университет имени Абу Али ибни Сина (Таджикистан)

Защита диссертации состоится «7» сентября 2021 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте. Адрес: 200118, Бухара, улица А.Навои, дом 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50, e-mail: bsmi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 067). Адрес: 200118, Бухара, улица А.Навои, дом 1. Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «16» сентября 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 17 от «16» сентября 2021 года).



А.Ш. Иноятов
председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.Н. Ачилова
учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии по медицинским наукам (PhD)

Н.А. Нуралиев
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во многих странах мира, в том числе в Республике Узбекистан, распространенность грыж передней брюшной стенки среди населения составляет около 2–4%, частота послеоперационных грыж у пациентов после лапаротомии составляет 4-10%¹. В течение многих лет наиболее распространенным методом считалась герниопластика собственными тканями организма. Однако, такой метод ассоциировался с высокой частотой рецидивов – 15-40%. Результаты фундаментальных исследований в данной области показали, что наиболее распространенные на сегодня эндопротезы из пропилена имеют слишком высокую прочность и соответствующую этому массу. В связи с этим, их использование ассоциировано с нарушением функции брюшного пресса, болями в области послеоперационной раны и жалобами на чувство инородного тела в животе. Таким образом, актуальным является поиск материалов для протезирования с повышенной биосовместимостью в зависимости от конкретного клинического случая.

В мировой практике исследования показывают, материально-технической базе в современной хирургии выбор вида эндопротезов очень широк и может быть обусловлен конкретными клиническими условиями: способ операции и анатомические особенности пациента. Протезы для пластики при над апоневротическом расположении нельзя применять при внутрибрюшной установке. что наиболее частым осложнением в послеоперационном периоде является длительное выделение серозного отделяемого из раны и ее ограниченное скопление – серома. Подобные осложнения наблюдаются у 75% пациентов при установке эндопротеза размером - 15x15см. Применение более легких эндопротезов позволило снизить длительность экссудации. Большая часть протезов неприменима при наличии инфекции в организме или месте имплантации. На сегодняшний день еще не был создан «идеальный» протез, отвечающий всем требованиям.

В нашем государстве осуществляются меры, направленные на ещё более улучшение качества оказываемого медицинского обслуживания, в том числе профилактике послеоперационных гнойно-воспалительных раневых осложнений. В этом плане обозначены задачи по коренному усовершенствованию комплекса мероприятий системы здравоохранения «...повышение доступности и качества медицинского и социально-медицинского обслуживания населению, формирование здорового образа жизни населения»².

В связи с этим, имеет важное значение поднятие на новый этап повышения качества оказываемого населению медицинской помощи,

¹ Деговцов Е.Н., Колядко П.В., Колядко В.П. Результаты хирургического лечения больных с большими и сложными послеоперационными грыжами передней брюшной стенки в условиях многопрофильного стационара // Бюллетень сибирской медицины. Омск. – 2018. 17 [3]. – С. 35–44.

² Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

особенно разработка новых подходов к комплексной диагностике и лечению, повышение уровня оказываемой качественной хирургической помощи населению.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-6110 от 12 ноября 2020 года «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4887 от 10 ноября 2020 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы Государственного управления сферой здравоохранения», №ПП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике», а также в других нормативно-правовых документах, касающихся деятельности в данном направлении.

